



ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МУАОММОЛАРИ.

Ш.С.Қосимов

ИИБ Академияси Магистратураси
I даражадаги “Ташкилий стратегик
бошқарув” мутахасислиги
тингловчиси подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7057697>

ARTICLE INFO

Received: 01st September 2022

Accepted: 03rd September 2022

Online: 07th September 2022

KEY WORDS

ахборот технологиялар,
интернет, киберхужум,
мобиль иловалар,
кибержиноятчилик,
интернет фирибгарлик,
интернет ўғрилик, жиноят
кодекси.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва телекоммуникация соҳаси тараққиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аҳолини сифатли телекоммуникация ва интернет хизматлари билан таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва кишилик жамиятининг барча соҳаларида фуқаролар томонидан Интернетдан кенг фойдаланиш кундалик фаолиятнинг бир қисмини ташкил этиб, хизмат кўрсатиш, илм-фан, таълим, электрон тижорат, шунингдек замонавий инсоннинг фикрлаш тарзига ўзининг ижобий таъсири билан кириб келди.

ABSTRACT

Мақолада интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятлар, кибержиноятларни келиб чиқиш тарихи, ҳозирги кунда мамлакатимизда интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятларни квалификациясида юзага келаётган муоммолар, келгусида ушбу соҳада такомиллаштириб ягона қонунчилик амалиётидан фойдаланиш ва жиноят қонунчилигини тўлдириш юзасидан таклифлар ҳақида сўз юритилган.

2021 йил 9 сентябрь куни “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси”нинг Х қурултойида нутқ сўзлаган Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилда халқаро магистрал интернет тезлиги ва туманлараро тармоқлар тезлиги оширилишини айтиб ўтиб «Ҳар бир хонадон ва ижтимоий муассаса мақбул нархда юқори тезликдаги интернетга уланади, магистрал автомобиль йўллари 100 фоиз мобил алоқа ва интернет билан қамраб олинади», -деб таъкидлаб ўтган.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом интернет-муҳитига эга ахборотлашган жамиятни ривожлантириш, миллий сайтларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интернетда миллий веб-сайтларни яратишга



қаратилган кўрик-танловларнинг ўтказилаётгани, веб-ихтирочиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, соғлом ахборот муҳитини таркиб топтиришга йўналтирилган турли тадбирлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда, шахсларни интернет ҳамлаларидан ҳимоялаш, ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини тарғиб қилиш, тармоқ хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда интернет тармоқларидан фойдаланиш қоидалари, веб-макондаги хавф ва фирибгарликларга қарши курашиш усуллари тушунтирилмоқда.

Ушбу ўзгаришлар ҳаёт сифатини яхшилаш билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шакли "Интернет тармоқлари орқали содир этилаётган жиноятлар"ни юзага келишига замин яратди ҳамда ҳаётимизга "кибержиноятчилик" тушунчасини олиб кирди.

Интернет билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар сонияда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси интернетхужум қурбони бўлмоқда ва ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужум уюштирилади ва бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир.

Кибержиноятчилик тушунчасининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 60 йилларида Интернет тармоғининг яратилиши билан боғлиқ. 1962 йилда профессор Жон Ликлайдер ўзининг "Galactic Network" компьютер тармоғи

орқали Интернет тармоғини яратиш концепциясига асос солган. Шундай қилиб Интернет тармоғи яратилиши билан биринчи Интернет жиноятчиси вужудга келган ва у Жон Драпер (John Draper) исмли шахс бўлиб, Жон Драпер 1970 йилларда шахарлараро ва халқаро қўнғироқлар орқали телефон тармоқларини бузиш билан шуғулланиши оқибатида дастлабки кибержиноятлар содир этилган. СССРда ахборот технологиялари соҳасидаги илк юқори даражадаги жиноят 1979 йилда Вильнюс шаҳрида қайд этилган ва бу ҳолат ўша пайтда СССРга 80 минг рубль зарар етказилишига сабабчи бўлган бўлиб, бу зарар миқдори ўша пайтда машҳур автомашина бўлган "Volga" русумидаги 8 та автомашинанинг пулига тенг эди ва шу сабабли мазкур жиноятлар Интерпол халқаро ташкилоти томонидан дастлабки рўйхатга олинган кибержиноят сифатида эътироф этилган.

Белоруссия Республикасида эса, юқори технологиялар орқали содир этилган илк жиноят 1998 йил 20 ноябрь куни рўйхатга олинган бўлиб, кибержиноятчилар Беларуссиянинг энг йирик метрополитен провайдери мижозлари орасидан Интернет фойдаланувчилари тармоқ маълумотларига рухсатсиз киришни амалга оширишган.

Интернет тармоғини ривож топиши натижасида "Интернет хаккерлиги" деган ахборот технологиялари соҳасида алоҳида тармоқ вужудга келган. Илк компьютер хаккерлари 1960 йилларда Массачусетс технология институтида пайдо бўлган, дастлабки Интернет хаккерлиги эса, ўзларини "414 гуруҳи" (банда-414) деб



номланган вояга етмаган ўспиринлар томонидан содир этилган бўлиб, улар 9 кун ичида АҚШдаги Лос-Аламос Давлат ядро қуролини ўрганиш лабораториясидаги 60 дан ортиқ шахсий компьютерларини ишдан чиқаришган. 1983 йилда эса, дастлабки кибертеррористлар гуруҳи ушланган. Шу орқали 1983 йилда “Военные игры” (“WarGames”) номли дастлабки хаккерлар тўғрисидаги фильм яратилган. 1988 йили Америка компьютер ускуналари ассоциацияси 30 ноябрни “Халқаро ахборотни ҳимоя қилиш кунини” деб эълон қилди. Бу кунни эълон қилишдан асосий мақсад барчага компьютер ахборотларини ҳимоя қилиш зарурлиги, шунингдек, дастурий воситалар ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар эътиборини хавфсизлик масалаларига қаратишдан иборат эди. Таъкидлаш жоиз, бежиз ушбу кунга айнан 1988 йилда асос солинган эмас. Негаки, шу йили Моррис исмини олган “чувалчангэпидемияси” илк бор оммавий тарзда тарқалган, яъни 1988 йилда Червь Моррис томонидан дастлабки зарарли вирус яратилган, бунинг оқибатида АҚШ Ҳукумати ва университетларидаги 6000 га яқин компьютерлар ушбу зарарли вирус қурбони бўлишган. Ўша воқеадан сўнг соҳа мутахассислари ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий ёндашиш зарурлиги ҳақида ўйлай бошладилар. Ўша кундан эътиборан ҳозирга қадар компьютер ускуналари ассоциацияси ташаббуси билан бутун дунёда ахборотни муҳофаза қилишга доир турли қизиқарли тадбирлар ҳамда халқаро анжуманлар ўтказиб келинади. Шу билан бирга, тадбирларда

ҳимояланмаган ускуналар келтириб чиқараётган зарарлар ҳажми ҳақида ахборот берилади.

Россия Федерациясида компьютер технологияларидан фойдаланган дастлабки жиноят 1991 йилда СССР ташқи иқтисодиёт банкидан 125,5 минг доллар миқдоридagi пул маблағларини ўғирлаш билан боғлиқ жиноят фош қилинган, Россияда 1997 йилда бу каби шундай жиноятлардан 7 таси, 1999 йилда 294 таси, 2000 йилда 800 таси, 2003 йилда 1602 таси, 2004 йилда 8739 таси, 2011 йилда 5396 таси, 2012 йилда 5725 таси, 2013 йилда 6423 таси, 2014 йилда 4403 таси, 2015 йилда 5329 таси, 2016 йилда 3762 таси, 2017 йил январь-июнь ойларида 3994 таси, 2018 йил январь-июнь ойларида 3207 таси, 2019 йилда 180 153 таси фош этилган.

Жахонда кибержиноят ривож топиши билан унинг тармоқлари ҳам ривож топган. Экспертларнинг фикрича, фишинг орқали маълумотларни ўғирлаш, махфий мақсадга эга мобиль иловалар орқали электрон қурилмаларга кириб бориш ва алоқанинг ҳимоя қилинмаган каналларини кузатиш орқали бугун кўпчилик интернет фойдаланувчилари кибержиноятларнинг қурбонига айланмоқда.

Бу борада ривожланган мамлакатлар қонунчилигида мазкур қилмишга нисбатан жавобгарлик белгиланган нормаларни таҳлил қилиш ушбу жиноятни муфассал тушуниш, жавобгарлик белгиланган нормалар ва қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга имкон беради.

Россия жиноят кодексининг 159-3-моддасига асосан, электрон тўлов



воситаларидан фойдаланган
фирибгарлик жиноятини содир
этганлик, Испания жиноят
кодексининг 248-моддасида ахборотни
манипуляция қилиш, компьютер
дастурлари орқали кредит ёки дебет
карталари ёхуд чекларга нисбатан
фирибгарлик жиноятини амалга
оширганлик учун, 255-моддасига асосан,
телекоммуникация тармоқларидан
фойдаланган ҳолда, шу жумладан
алдашга ихтисослаштирилган
механизмлардан фойдаланган ҳолда,
телекоммуникация воситаларининг
кўрсаткичларини бузиб кўрсатган ҳолда
ёки бошқа ноқонуний йўллар орқали
ўзга шахснинг мулкани эгаллаб
олганлик, 256-моддасига асосан эса,
терминал телекоммуникация
воситаларини эгаллаб олиш орқали
унинг мулкдорига зарар етказганлик,
Туркия жиноят кодексининг 504-
моддаси 3-бандида жиноят қуроли
сифатида почта, телеграф, телефон
алоқасидан фойдаланиш орқали,
Швейцария жиноят кодексининг 147-
моддасида маълумотларга ишлов
бериш орқали фирибгарлик жинояти,
яъни ноқонуний равишда
маълумотларни ўзлаштириб ёки ушбу
маълумотларга ўзгартириш киритиш
оқали шахслар мулкига зарар
келтирганлик учун жавобгарлик
назарда тутилган.

Булардан ташқари, Озорбойжон Жиноят
кодексининг 177.2.3-1-моддасига асосан
электрон сақлаш воситаларидан ёки
ахборот технологияларидан
фойдаланган ҳолда, Сан-Марино
жиноят кодексининг 194-моддасининг
учинчи қисми 2-бандига асосан,
фирибгарлик воситаларидан
фойдаланган ҳолда, Хитой жиноят

кодексининг 265-моддасига
асосан, бошқа одамларнинг алоқа
каналларини ноқонуний егаллаб олиш,
бирининг электрон почта манзилига
ўхшаш манзил орқали, ускуналар ва
бошқа қурилмалардан фойда олиш учун
фойдаланиш қасддан фойдаланиш
орқали ўзга шахснинг мулкани ўғрилаш
йўли билан, Франция жиноят
кодексининг 226-15-моддасида
телекоммуникация воситалари
ёрдамида ва Болгария жиноят
кодексининг 195-моддасининг биринчи
қисми 4-бандида махсус воситалар
орқали ўғрилик қилганлик учун жиноий
жавобгарлик белгилангидан ҳам билиш
мумкинки, ривожланган давлатларда бу
қилмиш жуда қаттиқ қораланади ва
ушбу жиноят билан курашиш
чораларини кўриб боришади.

Бизни мамлакатимизда ҳозирги кунда
банк пластик карталаридаги пулларни
номаълум шахслар томонидан
ғайриқонуний равишда қўлга
киритишда фойдаланган интернет
фирибгарлик ва интернет ўғрилик
жиноятлари асосий мавзулардан бирига
айланган бўлиб жамиятга жуда катта
хавф келтириб чиқариб электрон
тижорат сайтлари ва телеграм
каналларида маҳсулотларни онлайн
олди-сотди муносабатлари орқали,
ижтимоий тармоқларда турли хилдаги
ютуқли ўйинлар, акциялар ва электрон
савдоларни амалга ошириш
(ўтказилиши) орқали, хайрия
мақсадлари ниқоби остида интернет
ижтимоий тармоқ саҳифаларида
очилган турли кўринишдаги сохта
беъморлар учун фуқароларнинг банк
пластик карталаридан ўз ҳисоб
рақамларига пул ўтказиш орқали,
фуқароларнинг банк пластик карта



рақами реквизитлари, амал қилиш муддати ва бошқа шахсий маълумотларини яширин йўллар билан қўлга киритиш орқали содир этилмоқда.

Жумладан, Андижон шаҳрида яшовчи М.Қ ўзганинг мулкани алдов йули билан қўлга киритишни мақсад қилиб, 2020 йилнинг

ноябр ойида “Telegram” ижтимоий тармоқда “MY5” номида ютуқли канал очиб, тармоқда фойдаланувчиларни қизиқтириш учун “каналга 100 та одам қўшганга 50.000 сўм, 25 та одам қўшганга 250.000 сўм, 10 та одам қўшганга-100.000 сўм” деб алдов сўзларини ёзиб, алданиб қолиб ушбу сохта каналга аъзо бўлганларга “сизга пул ютуғи чиқди, пластик карта рақамингизни расмга тушириб ташлаб юборинг, кейин сизга 4 рақамли махфий код боради, айтиб юборсангиз пул ҳисоб картангизга ўтказилади”-деб алдов йўли билан фуқароларни пластик карта рақам ва ушбу платсик картадан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи махфий кодни қўлга киритиб, “UzPAY”, “Click” пул ўтказмалари хизмати иловалари орқали электрон ҳамён очиб, банк пластик картадаги пул маблағларини ўзининг ҳисоб рақамига ўтказиш билан шуғулланиб беш нафар фуқарони 28.млн сўм маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги фош этилган.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, жабрланувчи банк пластик картасида бўлган пул маблағларининг кўпайиши учун ўз хоҳишига асосан карта махсус кодларини фирибгарга ишониб топширади ва фирибгар эса ўз навбатида интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда унга ишониб

топширилган код орқали жабрланувчига тегишли бўлган банк пластик картасидаги маблағларни бемалол тасарруф этиш имкониятини қўлга киритиб ўзганинг мулкига ёки мулкий ҳуқуқларига ғайриқонуний тарзда эга бўлади. Интернет фирибгарлик ва интернет ўғрилиқнинг предмети ҳам ўғрилиқ ва фирибгарлик предмети каби ўзга шахснинг мулки ёки мулкий ҳуқуқларидир.

Кибержиноятларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ушбу турдаги жиноятлар виртуал маконда содир этилади, яъни компьютер, мобиль қурилмалар ёрдамида, Интернет ва бошқа алоқа, телекоммуникация тармоқларида амалга оширилади.

Виртуал макон эса, аниқ географик ҳудудга эга эмас, яъни тармоқларда содир этилганлиги сабабли унинг ҳудудини ҳам аниқлаб бўлмайди. Ушбу турдаги жиноятларда ашёвий далилларни қўл билан ушлаб, аниқлаб бўлмайди, яъни рақамли далиллар ҳисобланганлиги сабабли, уларни махсус кодлар, дастурлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Тадқиқот олиб боришда анъанавий криминалистик услублардан фойдаланилмайди, яъни бармоқ изи, пойабзал изи, трасологик белгилар мавжуд бўлмайди.

Киберхужумнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бу фирибгарлик йўли билан пластик карточкалардан пул ўмариш ҳисобланади. Яқинда Буюк Британиянинг тадқиқот компанияси томонидан киберхавфсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 60 та давлат рейтинги эълон қилинди. Япония Буюк Британиянинг тадиқиқот компанияси томонидан киберхавфсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 60 та давлат



рейтенги эълон қилинди. Япония етакчи бўлган ушбу рўйхатда Ўзбекистон 56-ўринни эгаллаган. Бу борада юртимизда биргина ўтган 2021 йилда 2700дан ортиқ, жорий йилда 300 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Ҳозирги кунда ушбу турдаги ишлар юзасидан олиб борилаётган терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатлари давомида кебиржиноятларни содир этган шахслар жиноят изларини яшириш мақсадида жиноий йўл билан олинган пул маблағларини Республика ҳудудида фаолият юритувчи тўлов тизимлари (“HUMO” ва “UzCard”) орқали бир нечта банк пластик карталарига ўтказиб, ҳалқаро электрон пулларга ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Бу эса, ушбу турдаги жиноятларни фош этиш ва исботлашни мураккаблаштириб, ушбу фаолиятга оид қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундан келиб чиқади интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни тез фурсатларда фош этиш асосий вазифлардан бири ҳисобланади. Чунки ушбу турдаги жиноятларни қанчалик тез ва сифатли фош этилмаса жиноят натижасида жабрланганларни доираси кенгайиб кетади. Чунки, айрим шахсларнинг енгил даромад олишга бўлган хулқи, бефарқ ва ишонувчанлиги, шунингдек, интернетдан фойдаланиб жиноят содир этилганда жиноятчини жабрланувчидан узоқлиги, жиноятни ўз вақтида тўхтатишни имкон даражаси пастлиги, жиноятчини интернет тармоғидан фойдаланиб ҳуқуқбузарлик содир этганида “ҳеч ким билмайди” ёки “осонроқ” деб ўйлаб унда озодлик хиссини юзага келтириши натижасида

ҳуқуқбузарликларни сонини ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу турдаги ишлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида ариза муаллифидан батафсил равишда тушунтириш хати олиб бўлинганидан сўнг кибержиноятчи жабрланувчи билан қандай қилиб алоқага чиққанлиги юзасидан агарда қўл телефонида скреншотлар бўлган тақдирда ундан скреншотларни ҳамда унга тегишли бўлган банк пластик карталари орқали амалга оширилган банк операциялари ва транзакциялари тўғрисидаги маълумотларни банклар, процессинг марказлари (“HUMO” ва “UzCard”) ҳамда интернет тўлов тизимлари иловаларидан (рауме, раунет, clik, oson ва ҳ.к) қонунчиликда белгиланган тартибда олиш асосий вазифлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август кунги “Банк сирини тўғрисида”ги 530-сонли қонунининг 3-моддасида “Банк сирини” банк томонидан муҳофаза қилинадиган ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлардан иборат эканлиги, 9-моддасида Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокурорнинг санкцияси билан прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органларига уларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича ҳолатларни аниқлаш, шунингдек етказилган зарарни ундиришни ёки мол-мулкни хатлашни таъминлаш мақсадида терговчининг ёхуд суриштирувчининг асослантилган қарорига асосан ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга уларнинг иш юритувидаги



тезкор-қидирув ишлари бўйича ўз зиммасига юклатилган вазибаларни бажариш мақсадида - тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантилган қарор асосида берилиши кўрсатилган.

Бироқ амалиётда интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган суриштирув ҳужжатлари юзасидан ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимлари билан бир қаторда ҳудудий профилактика инспекторлари томонидан ҳам олиб борилмоқда.

Бундан ташқари ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимларининг иш юритувларида кибержиноятлар юзасидан нафақат тезкор-қидирув ишлари балки терговга қадар суриштирув ҳужжатлари ҳам мавжуд. Бу эса мазкур қонунни қўллашда бир қатор қийинчиликлар ҳамда қонунни тўғри тадбиқ этмасликка олиб келмоқда.

Шу сабабли ушбу қонун нормасига Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокурорнинг санкцияси билан терговга қадар суриштирув ҳаракатларини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг иш юритувидаги интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган терговга қадар текширув ҳужжатлари юзасидан ҳолатларни аниқлаш, шунингдек етказилган зарарни ундиришни таъминлаш мақсадида бевосита терговга қадар текширувини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг раҳбари томонидан тасдиқланган асослантилган қарорига асосан

бериш тўғрисида қонун нормаси ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 12-моддасида Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга, прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга, шунингдек давлат ижрочисига тақдим этиш, бунинг учун ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, уларни сўраётган органга ёпиқ ва муҳрланган конвертда ёки ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида ҳимояланган алоқа каналлари воситасида юбориш орқали амалга ошириши кўрсатилган.

Шу сабабли Банк пластик карталари ва интернет хизматлари орқали содир этилган ҳар бир пул ўғирлаш ва фирибгарлик ҳолатлари бўйича олиб борилаётган тергов ва терговга қадар текширув ҳаракатлари юзасидан тез фурсатда қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, Ички ишлар вазирлиги билан Марказий Банк, процессинг марказлари (uzcard, humo), интернет тўлов тизими иловалари (payme, paynet, klik, apelsin, ва ҳ.к) марказлари билан “Ҳамкорлик меморандуми” имзолаш ва ягона хавфсиз тизим орқали белгиланган қонунчилик асосида ўзаро маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фикримизни мантиқий давоми сифатида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда ахборот – коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахасислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг



битирувчилари томонидан мазкур турдаги жиноятлар содир этилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Бундан ташқари ҳозирги кунда бўлажак мутахасислар орасида мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ҳуқуқий онгини шакллантиришга унчалик эътибор берилмаяпти десак тўғри бўлади. Мазкур ўқув юртларида барча ҳуқуқий фанлар бир семестр юристпруденция курси билан чекланган бўлиб умумий масалалар кўриб чиқилади. Бунда юристпруденция йўналиши бўйича ўқув жараёнида нафақат умумий масалалар балки талабалар онгида интернет тармоқлари орқали жиноят содир

этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш таклифини берамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида халқ фаровонлиги ётар экан, халқ фаровонлигини таъминлаш, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини янада ошириш, олиб борилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш интенет орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш бўйича ислоҳотларни янги босқичга кўтариш мақсадга мувофиқдир.

References:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент “Ўзбекистон”.-2020.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси <https://www.lex.uz/acts/111453>
- 3.А.У.Анорбоев. Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари; монография, тошкент 2020 й
4. Эҳтиёт бўлинг, ижтимоий тармоқларда фирибгарлик\ <http://www.qoshrobot.uz/oz/node/661>
5. Ш.М.Мирзиёевни ЎзЛДПнинг X қурултойида сўзлаган нутқи.<https://uznews.uz/posts/2030-iilgaca-savkat-mirziyoev>
6. Ш.М.Мирзиёевни Олий Мажлисга Мурожаатномаси.<https://uza.Uz,30.12.2020>
7. “Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятларни тергов қилишнинг айрим масалалари//Б.Б.Муродов, Н.А.Хушвактова//“Кибермаконда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш:муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами,ИИБ Академияси-2022 й.30-бет
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/internet-firibgarligiga-oid-zhinoyatlar-va-ularga-arshi-kurashish>